

Жаббаров Камолiddин Йўлдошевич  
Ўзбекистон Миллий университети  
таянч докторант

## БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНОВАЦИОН ОМИЛЛАРНИНГ РОЛИ

**Аннотация:** В статье исследованы проблемы внедрение ИКТ в экономике, применение инноваций и оптимизация налоговой политики страны как одного из ключевых факторов обеспечения устойчивого экономического роста. Также рассматривается обеспечение устойчивого экономического роста как основу повышения конкурентоспособности национальной экономики.

**Abstract:** The article explores the introduction of ICT in the economy, the application of innovations and the optimization of the country's tax policy as one of the key factors for ensuring sustainable economic growth. It also considers the provision of sustainable economic growth as the basis for increasing the competitiveness of the national economy.

Мамлакатимизни 2017 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида белгилаб берилган муҳим устувор вазифалар қаторида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” лойиҳасида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишга эришилиши аввало фуқароларнинг турмуш ва ҳаёт сифатининг ошишида, иш ўрни ва даромадларнинг кўпайишида ўз ифодасини топади. Барқарор иқтисодий ўсишга асос бўлувчи омиллар қаторида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва инновациялар, шунингдек мамлакат солиқ сиёсати алоҳида ўрин эгаллайди.

Яқин ўтмишда қилинган кашфиётларда инсоннинг интеллектуал салоҳияти асосий ўринда турган бўлса, бугунги кунга келиб замонавий илм-фанда амалга оширилаётган кашфиёт ва янгиликларда инновациялар қўлланилиши асосан ахборот-коммуникация технологияларининг ёрдамида амалга оширилмоқда.

Мамлакатларнинг глобал иқтисодий интеграция жараёнида муносиб ўрин эгаллашлари учун ўша мамлакатда жамиятнинг ахборотлашиш даражаси энг асосий масалалардан бири ҳисобланади. Ахборотлашган жамиятнинг асосини ахборот-коммуникация технологияларининг инфратузилмасини жорий қилиш ташкил этади.

Мақолада инновация, иқтисодий ўсиш, барқарор иқтисодий ўсиш, ахборот технологияси, замонавий ахборот технологиялари ва ахборот-

коммуникация терминларидан фойдаланилди. Иқтисодий адабиётларда уларни таҳлил қилар эканмиз қуйидаги таърифларга дуч келамиз.

“Инновация” – инсон ақли эришган ютуқлардан (кашфиётлар, ихтиролар, илмий ва конструкторлик лойиҳалари ва бошқалар) у ёки бу фаолият соҳасида самарадорликни ошириш учун фойдаланиш тушунилади. Шу қаторда технологик, иқтисодий, экологик, бошқарув, ҳарбий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳуқуқий ва бошқа инновацияларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Инновациялар ҳар қандай фаолият соҳасида киритилувчи янгиликдир[1].

“Иқтисодий ўсиш” иқтисодиётнинг ривожланиши, яъни ҳаётини неъматлар бўлган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилишининг кўпайиб боришидир[2].

“Иқтисодий ўсиш” бевосита ялпи ички маҳсулотнинг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс ҳаражатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади[3].

“Барқарор иқтисодий ўсиш” тушунчаси миллий иқтисодиётнинг шундай бир ҳолатини ифодалаши керакки, унда салбий ёки нолга тенг бўлиши мумкин бўлган реал ўзгарувчан мезон ва кўрсаткичлар узлуксиз мутаносиб суръатда ўсиши лозим[4].

“Ахборот технологияси” – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар мажмуи[5].

“Замонавий ахборот технологиялари” – шахсий компьютерлар ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда фойдаланувчи ишининг дўстона интерфейсли ахборот технологияси[6].

“Ахборот-коммуникация” – бу ташкилотлар ва аҳолига ахборот-коммуникация маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этишга мўлжалланган замонавий ахборот, компьютер ҳамда телекоммуникация технологияларини, уларни рўёбга чиқарувчи тизимлари ва воситаларини узвий равишда бирлаштирувчи мажмуадир[7].

Иқтисодий ўсиш, шу жумладан барқарор иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичлар жуда кўп. Биз мақолада асосан иқтисодиётга ахборот-коммуникация технологияларини ва инновацияларни жорий этиш ҳамда мамлакат солиқ сиёсатини такомиллаштириш асосида иқтисодий ўсиш масаласини кўриб чиқамиз.

Иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда ва янада оширишда инновацион технологиялар жуда катта имкониятларни юзага чиқаради. Бунда инновацион технологиялардан фойдаланиш аҳолининг жамият ҳаётида бевосита иштироки даражаси янада оширади. Ахборот-коммуникация технологиялари бўлса, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланишига, даромадларининг ортишига, пировард натижада мамлакат иқтисодиётининг ўсишига олиб келади. Бугун АКТнинг миллий иқтисодиётнинг ўсишига ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурларининг амалга оширилишида бевосита иштирок этиши ва ижобий натижага олиб келиши чет давлатлар тажрибасидан маълум. АКТнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, АКТ ёрдамида ахборотлар йиғилади,

қайта ишланади, сақланади ва узатилди. Глобал иқтисодий интеграция жараёнида зарур ахборотнинг биринчилардан бўлиб олинishi, ундан самарали фойдаланиш ва ахборотни тезкорлик билан масъул шахсларга етказилиши жуда долзарб аҳамият касб этади. Иқтисодиёти ривожланаётган давлатларда давлат ташкилотлари ва хусусий корхоналар АКТ ёрдамида кам ҳаражатлар ҳисобига унумдорликни ва маҳсулдорликни оширишга эришмоқдалар. Унумдорликнинг ортиши мазкур давлатларда корхоналарнинг рақобатбардошлигини, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ортишига олиб келмоқда. Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига корхоналар ўз ходимларининг маошларини оширишлари мумкин. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннариhini оширмасдан туриб ходимларнинг маошларининг оширилиши даромадлар ошишининг инфляциян таъсири вужудга келишини олдини олади ва натижада даромад ортади. Яъни барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг шартлардан бири бу – иқтисодиётда унумдорлик ва маҳсулдорликнинг ошишига олиб келувчи АКТ каби активларга инвестиция киритиш зарурлигидир. АКТ соҳасига қилинган инвестиция – корхонада маҳсулдорликнинг ортишига олиб келади.

АКТнинг жамият ҳаётида яна бир ажойиб аҳамияти шундаки, ахборот ва билимлар билан ишлаш жараёнини осонлаштиради. Фуқароларнинг иқтисодий кам таъминланган қатламларининг зарур ахборот ва билимлар билан ишлаш жараёни глобал АКТдан, яъни интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, АКТ ижтимоий ривожланишнинг катализатори вазифасини ўтайди. Чунки бугун ҳаётимизда АКТни татбиқ этиш орқали ҳал қилинаётган муаммолар бунинг яққол исботидир.

Глобал ахборотлашган жамиятнинг тўлақонли аъзо бўлиш мамлакатимиз учун стратегик масалалардан биридир. Бу масаланинг ижобий ҳал қилиниши учун қисқа ва ўрта истикболга мўлжалланган АКТни ривожлантириш Дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Ҳозирги кунда давлат бошқарув ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятига АКТни жорий этиш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш ва Интернет тармоғида миллий сегментни ривожлантириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Жамиятнинг ахборотлаштирилишининг аҳамияти қанчалик юқорилигини кенгроқ тушунишимиз учун қуйидаги мисолни келтириб ўтиш ўринли, назаримда. Германиядаги бир газета мухбирининг Германия Федератив Республикасининг Канцлерларидан бири Герхард Шредерга ахборотлар чет элга чиқиб кетишининг олдини қандай қилиб олмоқчи эканлиги ҳақида берган саволига Канцлернинг қуйидаги жавоби келтирилган: “Бизда ахборотлашган жамият. Бу тараққиёт асоси, бу бизнинг иқтисодиётимиз асоси. Агарда ахборотни ёпиб қўйсак ёки уларни беркитсак биз кўпроқ нарсани йўқотамиз”[8]. Кенгроқ маънода олиб қараладиган АКТ ахборотлашган жамиятнинг тушунчасининг таркибий қисмидир.

Ривожланган давлат тажрибасидан олинган билимлар ва кўникмалар асосида мамлакатда комплекс миллий АКТ индустриясини яратиш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан биридир. АКТ индустриясини барпо қилиш

ҳисобига мамлакатда миллионлаган янги иш ўринлари яратилади, ишлаб чиқариш ҳисобига миллиардлаб давлат бюджетига тушумлар юзага келади.

Бугунги кунга келиб АКТ жаҳон иқтисодиёти инфратузилмасининг ажралмас қисмига айланди. Шу сабабли ривожланган мамлакатлар АКТни иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қараб, уни янада ривожлантириш йўлидан бормоқдалар.

Юқоридаги айтилган барча фикрларни жамлаб айтганда, жамиятда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг қуйидаги кутиладиган натижаларини умумлаштириш мумкин:

- Давлат бошқарувига татбиқ этилганди: давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро маълумотлар алмашинувида очиқлик ва ойдинлик киритади; очиқ фуқаролик жамияти қуришга кўмаклашади; бошқарув самарадорлигини оширади; жамият ва иқтисодиётда бўлаётган ўзгаришларни кузатиш учун мутлақо янги имкониятлар яратади; давлат ҳокимияти ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги бошқарув жараёнини яхшилади; давлат бошқарувида ҳаражатларни кескин камайтиради;

- Иқтисодий жараёнларга татбиқ этилганда: маҳсулот ва хизматлар таннархини камайтиришга кўмаклашади; маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлигини оширади; ишлаб чиқариш самарадорлигини ва хизматлар ҳажмини кўпайтиради; электрон савдоларни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга имконият яратади; маълумотлар олиш ва уларни жўнатишга кетадиган молиявий ҳаражатларни камайтиради; маълумотларни қисқа муддатларда ва сифатли олиниши натижасида хўжалик фаолиятининг самарадорлиги кўтарилади;

- Ижтимоий ҳаётда: аҳолини фуқаролик жамияти сифатида шаклланишига ёрдам беради; билим олиш учун янги имкониятлар яратади; тиббиёт хизмати сифатини кўтаради; маданий-маънавий меросни сақлаш имкониятини юксалтиради; аҳолининг бандлигини ошириш ва қўшимча даромадлар олиш учун қулайликлар яратади; инсонларга табиий офатлар ва ўзгаришларни олдиндан аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишга ёрдам беради[9].

АКТ соҳада сўнги йилларда олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши ва АКТининг ривожланиши ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд экан. Фикримизнинг исботи сифатида А.М.Қодиров бошчилигидаги бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрини келтириб ўтамыз: “АКТ ҳозирги кундаги глобал иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб, у нафақат жаҳон бозорининг самарали фаолият юритишини таъминловчи восита, балки дунё иқтисодиёти ривожланишининг локомотивидир. Ривожланган мамлакатларнинг ҳукуматлари бу соҳани иқтисодий ривожланишнинг стратегик вектори сифатида кўриб, ҳозирги босқичда унга иқтисодий ўсишни тезлаштиришнинг асосий манбаи сифатида қараётганликларини таъкидлайдилар”[10].

Бундан ташқари жаҳондаги инновацион жараёнларнинг кечиши АКТнинг ривожланиши билан мутаносибликка эга. Бугун дунёдаги инновацион жараёнлар қуйидаги ижобий ўзгаришлар фонида содир бўлмоқда:

- Инвесторларнинг илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига қизиқишнинг ортиши ва бу соҳани молиялаш ҳажмининг кейинги йилларда ўсиши;
- Глобал телекоммуникациялар тармоғининг шаклланиши;
- Интернет технологиялардан фойдаланиш даражасининг ортиши;
- Информацион, нано ва биотехнологиялар соҳасида конвергенция жараёнларининг кенгайиши;
- Энергия тежовчи технологияларнинг қўлланилиш ҳажмининг ортиши ва пировардида экологик муаммоларнинг ҳал этилиши[11].

Юқоридаги жиҳатлардан келиб чиқиб шуни аниқ айтишимиз мумкинки, АКТ ва инновацияларнинг ривожланиши узвий алоқаларга эгадир. Чунки глобал телекоммуникациялар тармоғининг шаклланиши ва интернет технологияларидан фойдаланиш даражасининг ортиши АКТнинг янада кенгрок тадбиқ этилиши ортидан содир бўлади ва инновацияларнинг ривожланишига олиб келади.

Мамлакатимизда АКТнинг ривожланиши қуйидаги инновацион ривожланиш ютуқлари билан характерлидир:

1. АКТдан фойдаланган ҳолда электрон пулларни эмиссия қилиш орқали инфляция даражасининг жиловланиши. Инфляция даражаси асосий макроиктисодий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли инфляциянинг жиловланиши макроиктисодий барқарорликка тўғридан-тўғри таъсир қилади. Электрон пуллардан фойдаланиш эса нақд пул айланмасини қисқартиришга олиб келади;

2. Электрон тижоратнинг вужудга келиши. Анъанавий тижоратдан ташқари электрон тижоратнинг бугун АКТнинг ривожланиши ҳисобига инфратузилмаси ташкил қилинмоқда. Электрон тижоратнинг ривожланиши мамлакат ялпи ички маҳсулотини ҳажмининг ортишига бевосита таъсир этади;

3. Банк соҳасида АКТнинг ютуқларидан фойдаланиш ҳисобига масофавий банк хизматларининг вужудга келиши. Масофавий банк хизматлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўлақонли ташкил қилинишида ўз аксини топмоқда;

4. Электрон рақамли имзо вужудга келиши ҳисобига молия-хўжалик фаолиятининг иш унумдорлиги ошиши. Тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ ва статистика идораларига тақдим этиладиган ҳисоботларнинг бугунги кунда 100 % электрон шаклда тақдим этилмоқда;

5. Пластик карталар билан амалга ошириладиган операциялар ҳажмининг ортиши. Аҳоли манфаатларини кўзланиб пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган операциялар ҳажмининг ортиши кундалик турмушда қулайликлар яратмоқда. Тўловларнинг тезда амалга оширилиши, қулайлиги ва тўловлар миқдори кўп бўлганда хавфсизлиги шулар жумласидандир;



6. АКТнинг жадал суръатлар билан ривожланиши чет эл инвесторларининг юқори технологиялар соҳасига катта ҳажмдаги инвестицияларнинг олиб киришига туртки бўлмоқда. Иқтисодиётга катта ҳажмдаги инвестицияларни кириб келиши глобал иқтисодий шароитда жуда муҳимдир. Чунки инвестициялар ҳажмининг ортиши мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ортишига замин ҳозирлайди.

Юқорида санаб ўтилган ютуқлар билан бир қаторда мамлакатимизда соҳанинг ўз ечимини кутаётган айрим муаммолари ҳам мавжуд. Жумладан:

1. Дунё ялпи ички маҳсулотининг 5,5 %и АКТ соҳаси ҳиссасига тўғри келади, Жанубий Кореяда бў кўрсаткич 11,8 %ни, АҚШда 6,8 %ни ташкил қилади. Мамлакатимизда бўлса ялпи ички маҳсулотнинг 2 %и АКТ ҳиссасига тўғри келмоқда. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти умумий кесимида АКТ улушининг камлиги;

2. Республикадаги жами хизматлар кесимида АКТ хизматлари улушининг ривожланган мамлакатлар билан таққослаганда камлиги;

3. Ҳар йили чоп этиладиган “Ахборотнинг очиқлик даражаси” рейтингда малакатимизнинг пастки ўринларни эгаллаётганлиги;

4. Ташкилий жараёнлардаги бюрократик тўсиқларнинг ҳали-ҳамон сақланиб қолаётганлиги;

5. Замонавий дастурий маҳсулотлар бозоринининг етарли даражада шаклланмаганлиги;

6. АКТ хизматлари бозорида малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ва бошқалар.

Фикримизча, АКТ соҳасининг мавжуд имкониятларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Инновацион хизматларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш орқали АКТ соҳасидаги хизматлар кўламини орттириш;

2. Инновационларни амалиётга татбиқ этишдаги барча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;

3. Ахборотларнинг очиқлик даражасини ошириш орқали тадбиркорлик фаолияти амалга ошириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хусусан, чет эл инвесторлари учун қулай инвестицион муҳит шакллантириш;

4. Банкларда овердрафт каби инновацион маҳсулотларни жорий қилиш ва ривожлантириш.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион жараёнларнинг ривожлантирилиши макроиқтисодий ҳолатга бевосита таъсир қиладиган жараёндир. Шунинг учун мазкур соҳанинг мамлакатимизда янада ривожлантирилиши янги иш ўринларини яратилиши, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигининг ортиши, инфляция даражасининг жиловланиши, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ортиши, иқтисодиётнинг четдан бўладиган таъсирларга қарши тура

олиш қобилиятининг шаклланиши ва макроиқтисодий барқарорликка эришиш асосида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига туртки беради.

Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ислохотлардан кўзланган мақсад инновацион ривожланиш асосида мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашдан иборатдир. Жаҳон тажрибасидан маълумки, инновацион ривожланиш кўрсаткичи мамлакат ялпи ички маҳсулоти(ЯИМ)да илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланма(ИТТКИ)ларига ажратилган ҳаражатлар улуши билан ифодаланади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ИТТКИга ЯИМнинг 3 % атрофида маблағи сарфланади. Ривожланаётган мамлакатларда бўлса бу кўрсаткичнинг камида 1,5 % атрофида бўлиши тавсия этилади. Бундай тавсия Халқаро Академик Кенгаш томонидан ишлаб чиқилган.

2000 йилда Европа Кенгаши томонидан Европа Иттифоқининг фан, технологиялар ва инновация соҳасидаги сиёсати – Лиссабон стратегияси қабул қилинди. Бу ҳужжатда фан, технологиялар ва инновация соҳасидаги сиёсати ва устувор вазифалар ўз аксини топган. Мазкур ҳужжатга 2002 йилда Барселонада ўзгартириш киритилган. Унга кўра инновациялар учун ЯИМнинг камида 3 % ажратилиши керак[12].

Қуйидаги жадвалда 2017 йил мобайнида бутун дунёда ИТТКИга энг кўп маблағ ажратган мамлакатлар ўнталиги келтирилган.

№	Давлатлар	ЯИМ, млрд. АҚШ доллари	ИТТКИга ҳаражатлар, ЯИМга нисбатан % да	ИТТКИга ҳаражатлар, млрд. АҚШ долларида	ИТТКИ ҳаражатларнинг 2015 йилга нисбатан ўзгариши, млрд. АҚШ долларида
1.	АҚШ	18 996,00	2,83	537,59	40,75
2.	Хитой	22 695,00	1,96	444,82	72,01
3.	Япония	5 300,90	3,50	185,53	20,94
4.	Германия	4 043,70	2,84	114,84	2,68
5.	Жанубий Корея	1 986,70	4,30	85,43	10,73
6.	Ҳиндистон	9 155,70	0,84	76,91	9,21
7.	Франция	2 761,30	2,25	62,13	2,31
8.	Россия	3 803,50	1,52	57,81	2,04
9.	Буюк Британия	2 481,70	1,73	49,16	1,47
10.	Бразилия	3 147,30	1,18	37,14	1,48

**Манба:** Муаллиф томонидан **Global R and D Funding Forecast: 2018** маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, дунё бўйича ИТТКИ энг кўп маблағ сарфлайдиган давлатларда иқтисодиётнинг барқарорлиги, жаҳон экспорт бозорида маҳсулотларига талабнинг юқорилиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ва мунтазам ўсиш суръатларини кўришимиз мумкин.

Миллий инновацион тизими ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг ташқи таъсирларга бардошлилик даражаси юқори бўлиб, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари сезиларсиз даража бўлган[13].

Глобал инновация индекси – Халқаро бизнес мактаб, Корнелл университети ва Халқаро интеллектуал мулк ташкилоти томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқиладиган, мамлакатларнинг инновацион салоҳиятининг ривожланиш даражасини ифодалайдиган кўрсаткич. Мазкур индексларни ҳисоблаш тизимида мамлакатимиз рейтинги 2012 йилдан бери аниқланмоқда. 2012 ва 2013 йилларда Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индекси 23,9 ни ташкил қилган, 2014 йилда 25,2 ни ва 2015 йилда 25,9 ни ташкил этган[14].

Глобал инновацион индексни ҳисоблаб чиқаришда 7 та мезондан фойдаланилади: институционал муҳит, инсон капитали ва тадқиқотлар, инфратузилма ва бозорнинг ривожланганлиги, бизнеснинг ривожланганлиги, технологиялар ва билимларнинг ривожланиши, ижодий фаолият натижаси. Мамлакатимизда индекс сўнги тўрт йилда 2 пунктга кўтарилган. Ижобий ўзгаришнинг мезонлар бўйича таҳлили бозорнинг ривожланганлиги ҳамда билимлар ва технологияларнинг ривожланганлиги кўрсатмоқда.

Умуман олганда жаҳондаги инновацион жараёнлар қуйидаги ижобий ўзгаришлар фонида содир бўлмоқда:

- Инвесторларнинг ИТТКИга қизиқишнинг ортиши ва бу соҳани молиялаш ҳажмининг кейинги йилларда ўсиши;
- Глобал телекоммуникациялар тармоғининг шаклланиши;
- Интернет технологиялардан фойдаланиш даражасининг ортиши;
- Информацион, нано ва биотехнологиялар соҳасида конвергенция жараёнларининг кенгайиши;
- Энергия тежовчи технологияларнинг қўлланилиш ҳажмининг ортиши ва пировардида экологик муаммоларнинг ҳал этилиши[15].

Мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожлантириш жамиятда бир қатор ижобий ўзгаришлар содир бўлиши билан айниқса муҳимдир. Хусусан:

- Мамлакат иқтисодиётига четдан кириб келадиغان инвестициялар миқдорининг ортиши;
- Венчурли молиялаш тизимининг ривожланиши;
- Миллий иқтисодиётнинг ташқи таъсир ва иқтисодий инқирозларга нисбатан иммунитетининг шаклланиши;
- Ўзгарувчан жаҳон бозорида ўз миллий маҳсулотларига нисбатан қатъий талабнинг мавжудлиги ва ўз харидорлар сегментига эга бўлиши;
- Мамлакатда энг сўнги илм-фан ютуқларининг жамланиши;



- Миллий иқтисодий хавфсизликнинг таъминланишига эришилиши;
- Иқтисодиётда рақобатбардошликнинг ортиши;
- Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш ва б.

Фикримизча иқтисодиётни инновацион ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий-норматив асосларини такомиллаштириш;
2. Инновацион фаолиятни бошлаш учун ҳар тамонлама, хусусан, ташкилий, иқтисодий, таълим йўналишлари бўйича ёрдам кўрсатадиган махсус муассасаларни ташкил этиш;
3. Давлат томонидан инновацион фаолиятнинг комплекс инфратузилмасини яратиш;
4. Инновацион лойиҳаларни молиялаштирилишининг давлат томонидан тартибга солиниши ва маблағ ажратиш қўламини кенгайтирилиши;
5. Чет эл ва маҳаллий инвесторлар учун мавжуд қулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва жозибадорлиги ошириш;
6. Мамлакат миқёсида инновацион лойиҳаларни танлаб олишнинг қуёи бўғиндан бошланадиган мукамал механизмини амалиётга татбиқ этиш;
7. Инновацион фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорларга солиқ, божхона ва экспорт йўналишларида имтиёзлар тизимини жорий этиш қўламини кенгайтириш;
8. Янгиликларни ва янги ишланмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва тижоратлаштириш учун корхонларда мукамал менежмент тизимини йўлга қўйиш.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг инновацион ривожлантирилиши аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишида, даромадларнинг ўсишида, жамиятда инсон омили ролининг ошишида, атроф-муҳит ифлосланиш даражасининг камайишида, “яшил иқтисодиётни” барпо этилишида, фан ва техниканинг энг сўнги ютуқларининг тез фурсатларда ўзлаштирилишида, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришишда, қисқача қилиб айтганда, мамлакатимизни аҳоли турмуш даражаси юқори ва тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олишида ўз аксини топади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ривожланишнинг ўзига хос бўлган, ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор қаратиладиган йўлини танлади. Бунда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов томонидан амалиётга кенг жорий қилинган ривожланишнинг “Ўзбек модели” пухта ўйланганлиги ва қатъий принциплар асосида ишлаб чиқилган эканлиги бугун бутун дунё иқтисодчилари томонидан эътироф этилмоқда. Миллий солиқ сиёсатимиз мазкур ривожланишнинг йўлининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Республикамиз солиқ сиёсатининг ўзига хослиги шундаки, солиқ сиёсати орқали давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида мунтазам ва бир-бири билан боғлиқ бўлган манфаатлар уйғунлигини таъминлашга қаратилган. Шу ўринда Биринчи Президентимиз

И.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш ўринлидир, “Солиқ сиёсатининг вазифаси – бир томондан, бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан – корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат”[16].

Солиқ сиёсати мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларига тўғридан-тўғри таъсир этади. Чунки солиқ сиёсатининг тўлақонли амалга оширилиши иқтисодий ўсиш суръатларини ортишига олиб келади. Солиқ сиёсати иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий муносабатларни ўзида мужассам этган ҳолда солиқ тизими орқали давлат ва алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларини таъминлаш учун молиявий ресурсларни қайта тақсимлайди. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири – солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ юкини пасайтириш, хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг молия-хўжалик фаолиятларига аралаштиришга чек қўйиш, иқтисодиётни модернизациялашни рағбатлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш, макроиқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражаси фаровонлигини ошириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади. Республикамизда кенг қўлланми солиқ ислохотлари амалга оширилиб, улар аҳоли реал даромадларининг ўсишига, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда солиқ юкини босқичма-босқич пасайтирилиши ва солиқ бўйича имтиёзлар берилишининг устувор йўналиш қилиб олиниши муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 1996 йилда 38 % ни, 2000 йилда 31 % ни ва 2010 йилда 7 % ни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда 5 % қилиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699-сон Қарори билан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш мақсадида белгиланган “Рўйхат” бўйича хизматлар кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхонлар учун белгиланган фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзларнинг амал қилиши 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилган[17].

2008 йилда бошланган, ўзининг салбий таъсир ва оқибатларини бугунги кунгача намоён этиб келаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi жаҳон иқтисодиёти ва мамлакатлар иқтисодиётига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган бир пайтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг қўшимча ўсиш суръатлари сўнгги йиллардан 8 % атрофида бўлмоқда. Бундай натижаларнинг қўлга киритилишида мамлакатимизда тўғри танланган ва изчил амалга оширилган солиқ сиёсатининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Корхоналарда иқтисодий самарадорликнинг ошиши натижасида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ва меҳнат унумдорлиги

ортиши билан аҳоли кўпроқ даромадга эга бўлади ва давлат бюджетига тушадиган солиқлар миқдори кўпаяди. Давлат бюджетига солиқларнинг кўпроқ тушиши эса давлат қўшимча тушган маблағни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга субсидиялар ёки аҳолига трансферт тўловлари сифатида қайта тақсимлаши мумкин, бунинг натижасида, яна ишлаб чиқариш корхоналарининг самарадорлиги ошади ва аҳолининг даромадлари ўсиши рўй беради. Бунинг натижасида аҳоли икки томонлама даромад олади: бир томондан, корхоналар самарадорлиги ошиши билан аҳолининг корхоналардан олинadиган даромадлари бевосита кўпайса, иккинчи томондан, давлатнинг тўлайдиган ижтимоий трансферлари миқдори ошиб, бу ҳам аҳоли даромадларининг билвосита кўпайишига олиб келади. Солиқ ставкаси инновация корхоналарини молиялаштириш таваккалчилиги даражасини оширувчи ёки камайтирувчи омил ҳисобланади. Битта солиқ солиш объектининг икки ва ундан ортиқ солиққа тортилиши амалиёти натижасида ишбилармонлик фаоллиги пасаяди, яъни инновацион корхоналар ташкил топиши суръатлари қисқаради. Оқибатда корхоналарнинг фаолият юритиш имкониятлари камайиб боради. Солиқ юкининг пасайиши инновацион тадбиркорликка ҳамда иқтисодиётнинг хусусий секторига инвестициялар жалб қилишда иккиламчи капиталнинг аҳамиятини оширади.

Соҳада юқорида санаб ўтилган ижобий натижалар билан бир қаторда ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу муаммоларни ечими сифатида қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Солиқ базасининг тўғри аниқланганлигининг корхоналар молиявий ҳолатига ижобий таъсирини ҳисобга олган ҳолда базани аниқлаш услубиётини такомиллаштириш;
2. Маҳсулотларни стандартлаш ва сертификациялаш халқаро тизимига ўтиш жараёнини тезлаштириш мақсадида тегишли корхоналар учун солиқ ва бошқа тўловларни тўлашда имтиёзларни жорий қилиш;
3. Иқтисодиётнинг тармоқларида солиқ юкининг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш;
4. Илмий изланишларни бажараётган инновация корхоналарнинг тадқиқот ишлари учун илмий-техник асбоб-ускуналар сотиб олган йилнинг ўзидаёқ 50 % амортизация ҳуқуқига, қолган асосий маблағлар ҳисобидан эса жадаллашган амортизация ҳуқуқига эга бўлишларини таъминлаш;
5. Мамлакатимиздаги қўшма корхоналарни ташқи бозорларга йўналтирилган фаолиятини жадаллаштириш орқали мамлакатга кириб келадиган валюта оқимини барқарорлаштириш мақсадида солиқ тўловларидан тўлиқ ёки қисман озод этиш;
6. Саноат соҳаси учун инновацияларни жорий этадиган корхоналарга лицензиялар ва “ноу-хоу”ларни сотиш жараёнида солиққа тортиш вақтида чегирмалар тақдим этиш;
7. Ишлаб чиқаришни кенгайтирадиган корхоналарга солиққа тортиладиган маблағлар ҳисобидан янги асбоб-ускуналар қийматини чиқариб ташлаш ҳуқуқи бериш;

8. Тадбиркорларга чет элдан инвестициялар олиб кириш шarti билан солиқ имтиёзлари бериш ва бошқалар.

Бизнинг назаримизда юқорида санаб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши қуйидаги ижобий натижаларга замин ҳозирлайди:

1. Солиқ юкининг тўғри аниқланиши натижасида солиқ юки тенг тақсимланади ва бюджетга тушум миқдори ортади;

2. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши янги иш ўринлари яратилишига ва фуқароларнинг даромади ошишига олиб келади;

3. Мамлакатга чет элдан кириб келадиган пул оқимлари кўпаяди.

Мамлакатимизда солиқ сиёсатининг доимий равишда такомиллаштирилиб бориши иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришишда ва мамлакатимизда аҳоли турмуш даражаси фаровонлиги ошишида ўз аксини топади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.

2. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014.

3. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. – Т.: Иқтисодиёт, 2008. 126-б.

4. Словарь современной экономической теории Макмиллана – М., 1997. Стр. 471.

5. Алимов Р.Х. ва муаллифлар жамоаси. Ахборот технологияси ва тизимлари. Дарслик. Т.: “Ворис-Нашриёт”, 2011. 227-бет.

6. Алимов Р.Х. ва муаллифлар жамоаси. Ахборот технологияси ва тизимлари. Дарслик. Т.: “Ворис-Нашриёт”, 2011. 230-бет.

7. Инфокоммуникации в деловом мире: Учебное пособие. Под общ.ред. Рейман Л.Д. М., ФИОРД-ИНФО, 2001. Стр. 31.

8. Арипов А.Н., Иминов Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. Монография. Т.: “Фан ва технология”, 2005. 54-бет.

9. Арипов А.Н., Иминов Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. Монография. Т.: “Фан ва технология”, 2005. 61, 62-бетлар.

10. Кадыров А.М., Севлякянц С.Г., Отто О.Э., Ахмедиева А.Т. Информационно-инновационное развитие экономики Узбекистана. Монография. Т.: “Иқтисодиёт” – 2011. ст. 32.

11. Исаджанов А.А. Инновационная политика и проблемы устойчивого экономического развития// Иқтисодиёт ва таълим илмий журнали. № 3, 2016 й.

12. [http://www.ved.gov.ru/moder\\_innovac/analitic/analytical\\_materials/obzor\\_gorizont\\_2020/](http://www.ved.gov.ru/moder_innovac/analitic/analytical_materials/obzor_gorizont_2020/)
13. НТР и мировая политика: Учебное пособие /Под ред. А.В.Бирюкова, А.В.Крутских. МГИМО (Университет) МИД России. М.: МГИМО – Университет, 2010. Стр. 7.
14. Йиллар бўйича Глобал инновацион индекс(The Global Innovation Index): 2012, 2013, 2014 ва 2015.
15. Исаджанов А.А. Инновационная политика и проблемы устойчивого экономического развития// Иқтисодиёт ва таълим илмий журнали. № 3, 2016 й.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.Т.:”Ўзбекистон”, 1998 йил. 52-бет.
17. Молиячи маълумотномаси журнали. № 1 (61), 2017 йил. 28-бет.